## КАСБДОШЛАР!



Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ходимлари республикада ҳуқуқий давлат тизимини шакллантириш, ҳақиқий демократия ва адолат тантанасини қарор топтириш йўлида хизмат қилишга бел боғлаган ва халқ оммасининг ҳуқуқий савиясини баҳоли қудрат юксалтириб, унинг энг яқин маслакдоши бўлиб қолишни ният қилган «Инсон ва қонун» рўзномасининг дастлабки пойқадамларини қизғин муборакбод этадилар.

Албатта, ушбу воқеа Ўзбекистон Адлия идоралари ва ҳуқуқшунослиги тарихидан ўрин олиши табиийдир. Чунки тараққиёт чўққилари сари интилаётган мустақил диёримиз ҳаётида илк бора ҳуқуқ-тартибот соҳасида ўз ечимини кутаётган муаммоларни ёритиб борувчи, қонунбузарлик иллатларига барҳам беришда кўмакдош бўлиб қолувчи ягона юридик рўзнома дунёга келди.

Бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги пайтда республикамизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, турли шаклдаги мулк субъектларининг эркин фаолияти учун қулай шароит яратишга, хўжалик фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада республикада хўжалик судларининг олдида ҳам ҳал қилиниши лозим бўлган улкан вазифалар турибди. Бу вазифалар қанчалик мураккаб бўлмасин, қонун устиворлиги тамойили асосида адолат тантанасини қарор топтириш, одил судловни амалга ошириш борасида бутун кучимизни, билимимизни аямаймиз.

Бу борада «Инсон ва қонун» рўзномаси бизнинг энг яқин ёрдамчимиз бўлиб қолиши билан бирга меҳнаткаш халқнинг севимли нашри сифатида ўқувчиларнинг қалб-қўридан меҳригиёдек жой олишига ишончимиз комил.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Олий хўжалик суди ходимлари номидан янги рўзномага узоқ умр, ёрқин истиқбол, ойдин йўл, меҳнат фаолиятига эса ижодий баркамоллик, ғайрат -шижоат тилаб қоламан.

Мирзаулуғбек
АБДУСАЛОМОВ
Олий хўжалик суди раиси

Меросимизни ўрганамиз

# МУТАФАККИРЛАР РАҲБАР ТЎҒРИСИДА

1991 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРдан бошлаб мамлакатимиз тарихида янги давр бошланди. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритиб, эндиликдаа уни мустаҳкамлаш ва шу асосда янги адолатли демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлига ўтди. Порлоқ истиқболга етиш мақсади - жуда улуғ мақсад, унинг йўли эса бағоят машаққатли йўлдир. Бу йўлдан борилар экан, мушкул муаммоларни ҳал этиш лозим бўлади. Бу муаммолар ўз навбатида давлат бошқарувини янгилаш масаласи билан, ижро ҳокимияти тизимидаги раҳбар кадрлар фаолияти билан узвий боғлиқ бўлади.

Президентимиз Ислом Каримов айтиб ўтганидек: иморатнинг мустаҳкамлиги унинг пойдеворига боғлиқ. Пойдевор қанчалик бақувват бўлса, иморат ҳам шунчалик узоқ ва маҳкам туради...

Халқимизнинг таянчи - аждодларимиз қолдирган маънавий мероснинг ўзи бир катта хазинадир. Бу хазинадан оқилона фойдаланиш лозим.

Шундай вақтлар ҳам бўлганки, алоҳида шахслар ёки партиялар ўзларини қонунлардан ҳам устун қўйганлар. Бу борада ўтмиш хазиналаридан бири Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» тўпламида Талхису навомиси Афлотун (Афлотун қонунлар моҳияти) асарида шундай деб ёзади: «Афлотун соҳиби қонун биринчидан, қонунларни жорий қила олиши, иккинчидан фармон беришни билиш зарур дейди. - Агар у ўзи буюргаан нарсани жорий эта олмаса, агар бошқалар бўйсунган нарсага ўзи амал қилмаса, у ҳолда унинг кўрсатмалари қонуний кучга эга бўлмайди ва унинг сўзлари қўл остидагиларга таъсир этмайди. Бу муносиб ва чиройли ҳолдир. Қонунга амал қилмаган раҳбар ўзи қаҳрамон бўлмай туриб, аскарларга раҳбарлик қиладиганларга ўхшайди, бундайларга ҳавас қилиб бўлмайди».

Вазирнинг кўриниши ёқимли, ишлари тўғри, феъл-атвори шуларга мос бўлса, эл-юрт ҳам ундан доимо баҳра топади. Кишининг ташқи кўриниши унинг ички оламидан, яъни маънавий бойлигидан хабардор қилиши мумкин... Булардан ташқари, вазир доно, ўктам, ҳисоб-китобни жуда пухта биладиган, тетик ҳамда турли-туман ёзувларни биладиган бўлиши ҳам талаб этилади.

Баъзи муҳим масалаларни ҳал қилишда тегишли кишилар билан маслаҳатлашгани маъқул. Бошқача қилиб айтганда бошқарувда қарор қабул қилишдан олдин масалани маслаҳатлашиб олиш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳақда бобокалонимиз Амир Темур шундай деган: «Пирим Зайнуддин Абубакр Тойбодий менга ёзмишларким, Абулмансур Темур, салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилгин, яъни : кенгаш: машварату маслаҳат: қатъий қарор,тадбиркорлик ва ҳушёрлик: эҳтиёткорлик. Чунки кенгаш ва машваратсиз салтанатни барча қилган ишлари ва айтган гаплари нотўғри бўлганда жоҳил одамга қиёс қилиш мумкин. Унинг айтган сўзлари ва қилган ишлари бошга пушаймонлик ва надомат келтиргай. Шундай экан салтанат бошқаришда машварату маслаҳат ва тадбиркорлик билан иш юргизгин, токи оқибатда надомат чекиб пушаймон бўлмагайсан. Шуни ҳам билишинг кераккім, салтанат ишларининг бир қисми сабру-тоқат билан бўлгай, яна бир қисми билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка солиш билан битур.

Пирнинг сўзларидан Темур жуда тўғри хулосалар ҳосил қилиб, ўз сиёсатини амалга оширишда фойдаланади. У ёзади: ...Шунга кўра давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилишини англадим.....

Улуғ мутафаккирлар бобокалонларимиз айтиб ўтган бу ҳикматлар мамлакатимиз ҳаётининг бугунги кунида ҳам катта аҳамият касб этади.

Республикамиз давлат ижро ҳокимияти тизимидаги раҳбар ходимлар Узбекистон олдида катта вазифалар турганлигини тушуниши, ўзларига юклатилган катта масъулиятни ҳис қилиши, биринчи навбатда халқни ўйлаши, халқнинг ишончини оқлаши, юртбошимиз атрофига жипслашиши ва у бошлаган йўлдан бир ёқадан бош чиқариб, собитқадамлик билан бориши лозим. Ана шундагина кўзланган мақсадга эришиш - адолатли, демократик, ҳуқуқий давлат қуриш мумкин бўлади.

Баҳтиёр МИРБОБОЕВ,
Адлия вазири ўринбосари, юридик фанлари номзоди, доцент

## ЖИНОЯТГА ЖАЗО

Қонунлар - мамлакатимиз иқтисодий-маънавий тараққиётида муҳим аҳамиятга эгадир. Моддий дунёмиз, жамиятимиз турмуш тарзи ана шу қонунларга асосланган. Афсуски, халқимиз ризқига чанг солиб, турли ҳаром-ҳариж йўллар билан пул, молу дунё орттирмоқчи бўлаётган кимсалар - қонунбузарлар йўқ эмас. Улар ўғрилик, талончилик, босқинчилик ва бошқа жиноий ҳатти-ҳаракатлар учун қонун олдида жавоб бериш кераклигини яхши биладилар. Қонунни билган ҳолда қинғир ишга қўл урадилар. «Ўлар ҳўкиз болтадан тоймас» - деган доно халқимиз. Қинғир йўл билан пул топишга одатланган кишилар ҳалол меҳнатга бўйин бермайдилар.

Яқинда Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари гиёҳвандликка қарши курашга бағишланган тадбир ўтказдилар. Тадбир жараёнида қонунда ман қилинган турли оғули экинлар экиб, ҳосилини яширинча пуллаш ва шу йўл билан бойлик орттириш илинжида юрган кишилар аниқланди. Ҳозир вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар томонидан тергов ҳаракатлари бошланиб, 62 та жиноий иш қўзғатилди. Уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳам ўз самарасини бера бошлади.

Вилоят бўйича 36 та катта -кичик уюшган жиноий гуруҳ аниқланиб жавобгарликка тортилди. Бу гуруҳлар қотиллик, босқинчилик, талончилик, таъмагирлик, товламачилик сингари бир қанча жиноий ишлар билан шуғулланиб келган. Улар орасида айниқса, Хасик'' лақабли Ҳ.Йулдошев деган шахс бошлиқ 12 кишилик гуруҳ вилоятда 17 та жиноят содир этган. Ноқонуний ишлари учун илгари ҳам судланган гуруҳ аъзолари босқинчилик, ўғирлик, автомашина олиб қочиш, зўравонлик сингари жиноий ишлар билан ном чиқаришган. Тинтув вақтида уларнинг уйларидан турли жиноятга дахлдор қуроллар топилди. Жиноятчилар қонун олдида жавоб берди.

Ҳаромдан ҳазар қилмаслик, эл тинчини бузиш, ризқига чанг солиш жиноят. Бундай жиноятларга эса албатта жазо бор. Шуни унутмаслик керак.

Янгибой ТЕМИРОВ
Жиззах вилоят ички ишлар бошқармаси бошлигининг биринчи муовини, милиция полковниги.

Никоҳ муқаддас

# У ҚОНУН БИЛАН ҲИМОЯЛАНГАН

*Икки ёш турмуш қурмоқчи. Ширин орзу-умидлар билан оила бунёд этмоқчилар. Лекин... улар никоҳнинг муқадаслигини, оила қуриш учун нималарга эътибор беришлари лозимлигини яхши билишадими?*

*Бу ҳақда Сирдарё вилоят адлия бошқармасининг никоҳ ишларига мутасадди ходими, бошқарма бошлиғининг муовини Мавлуда ОТАҲЎЖАЕВА фикр юритмоқчилар.*

Фуқароларнинг ижтимоий ва шахсий манфаатларини ўзида уйғунлаштирган оила тўғрисида ғамхўрлик қилиш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Ўзбекистон Республикасида никоҳ ва оила муносабатлари фақат давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солинади. Никоҳ давлат ва жамоат манфаатларини кўзлаб, шунингдек эр билан хотиннинг, болаларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини муҳофаза этиш мақсадида қайд қилинади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш давлат органларида тузилган никоҳгина эр билан хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтиради.

Никоҳ никоҳланувчи шахслардан бирининг ёки улар ота-оналарининг турар-жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида қайд қилинади.

Никоҳланувчилар никоҳга киришни хоҳлаганликлари ҳақида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларига ариза билан мурожаат этганларидан сўнг бир ой муддат ўтгач никоҳ қайд этилади. Узрли сабаблар бўлганда Никоҳ ва оила кодексининг 15-моддасига мувофиқ никоҳланувчиларнинг илтимосига кўра бу муддат қисқартирилиши мумкин. Никоҳланувчилар никоҳни қайд қилишда паспортларини ёки паспорт ўрнини босадиган бошқа ҳужжатларини тақдим этишлари лозим.

Илгари никоҳда бўлган шахслар никоҳдан ажралиш ҳақидаги ёки эр ё хотиннинг ўлганлиги ҳақида гувоҳномани никоҳни ҳақиқий эмас деб таниш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарорини кўрсатган ҳолдагина янги никоҳни қайд қилдириш мумкин. Никоҳланувчи шахслардан ариза қабул қилган фуқаролик ҳолати ёзиш идораси ходими никоҳланувчиларни никоҳни қайд қилиш тартиби ва шартлари билан таништириши ва уларнинг бир-бирлари соғлиқларидан, болалари бор-йўқлигидан, нечанчи марта никоҳга кираётганликларидан хабардор эканликларини билиши ҳамда уларга эр-хотин ва ота-она сифатида қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишларини тушунтириш зарур. Шунингдек фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идоралари томонидан никоҳга киришга монелик қиладиган ҳолатларни яширганликлари учун шахслар жавобгар бўлишлари ҳақида огоҳлантирилиши лозим.

Никоҳ тузиш учун никоҳланувчиларнинг ўзаро розиликлари ва уларнинг никоҳ ёшига, яъни эркаклар 18 ёш, қизлар 17 ёшга етган бўлишлари шарт. Туман, шаҳар ҳокимияти Никоҳ ва оила кодексининг 18-моддасига биноан айрим фавқулодда ҳолларда никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.

Никоҳ тузишга:

- лоақал биттаси бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида;

- бир насл-насаб чизиғи бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўгай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олганлар билан фарзандликка олинувчилар ўртасида;

- Никоҳ ва оила кодексининг 19-моддасига кўра лоақал биттаси руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганлар ўртасида йўл қўйилмайди.

Юқорида қайд этиб ўтилган қонун талабларига оғишмай қатъий риоя этиш, аҳоли ўртасида тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб бориш туфайли вилоятимизда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 31 фоиз никоҳни бекор қилиш ҳолатларнинг камайишига эришдик.

Никоҳни бекор бўлишининг асосий сабаблари деб қуйидаги ҳолатларни эътироф этиш мумкин:

- ёшларнинг фикрлаш доирасининг саёзлиги, кўп йигит-қизларда масъулият ва қатъиятнинг етишмаслиги;

- фарзандларимизнинг хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин мустақил фикр юритмаслиги, оила қуриш, турмушнинг аччиқ-чучукларини, паст-баланд сўқмоқларини босиб ўтишда матонатнинг, сабр-тоқатнинг етишмаслигини;

- йигит ва қизнинг турмуш қургач, тарозининг бир палласига ота-онасини, иккинчи палласига эса умр йўлдошини қўйиб, тарозини мувозанатда тута билмаслиги;

- оилавий муносабатда атроф-муҳитнинг таъсири кабилар. Қадимда ота-боболаримиз никоҳ ишига ўта ҳурмат билан муносабатда бўлганлар. Оилани, оилавий турмушни муқаддас ҳисоблаганлар. Эр-хотиннинг ажрашишини ўзларига номус билганлар. Оила қадрни баланд тутиш улар учун ҳаммасидан устун турган.

Истардикки, ҳозирги ёшлар ана шу хислатни ўзларига жо қилсалар, оилани муқаддас билиб, никоҳ тўғрисидаги қонунни ҳурмат қилсалар, ўз келажакларини бенуқсон таъминлаган бўладилар.

ТАҲРИРИЯТДАН:

*- Мана никоҳ ҳақида, оилавий турмушнинг муқаддаслиги борасидаги баъзи бир фикрлар билан танишдингиз. Хўш, бу мавзуда сиз ҳам ўз мулоҳазангизни билдиришни истарсиз. Балки ўз оилангиз, ҳамшаҳар ё ҳамқишлоқларингиз тақдири ҳақида фикр юритмоқчидирсиз. Бўлмаса, ёзинг. Хатларингизни кутиб қоламиз.*



Ҳаётимдан мамнунман. Мен орзу қилган давр энди келди...

Жаҳоннинг ҳуқуқий нафаси

Россия Федерацияси Президентининг 1995 йил 31 июль Фармони билан Россияда сиёсий қочқинларга бошпана бериш ҳақидаги Низом тасдиқланди.

Унга кўра, ўз ватани ёхуд яшаб турган мамлакатида оммавий-сиёсий фаолияти ва эътиқоди учун қувғинга учраганларга мамлакат президенти сиёсий бошпана беришни ҳал қиладиган бўлди. Сиёсий бошпана жиноят содир этганларга берилмайди.

***

Филиппинда мамлакатнинг собиқ президенти Маркоснинг ўғли Фердинанд Маркос қамоққа олинган. Унга 1982-85 йилларда отаси давлат бошлиғи бўлган даврда катта миқдордаги даромадини солиқдан яширган деб айб қўйилган. Манила шаҳар суди кичик Маркосни 9 йилга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарган.

***

Эрон фақат Афғонистондан «оқиб» келаётган наркотик моддаларни тўхтатиш, бу жиноятнинг олдини олиш учун курашга 250 миллион доллар миқдорида маблағ ажратишга қарамасдан, бу хавфнинг йўлига тўсиқ қўя олмаётганини тан олган ва Европа давлатларидан ёрдам сўраб мурожаат қилган. Бу ерда айтилишича, Эронда 1 кг наркотик модда-героин 400 доллар, Европада эса 200 минг доллар турар экан. Афғонистоннинг энг катта даромад манбаи ҳам ана шу тушумдан экан.

***

Сингапурда иккита ҳиндистонлик наркотик контрабандаси билан ушланган шахс ўлим жазосига ҳукм этилган. Бу мамлакат қонунларига кўра, 15 граммдан ортиқ наркотик модда билан ушланган шахсга ўлим жазоси берилади. 1975 йилдан буён амалда бўлгаан мазкур қонунга биноан ҳозиргача 100 дан ошиқ жиноятчи ўлимга мубтало этилган.

***

Туркиянинг Конья шаҳри мэри (ҳокими) Ҳалил Юрюн ўз нутқларидан бирида Туркиянинг биринчи Президенти Мустафа Камол Отатуркнинг манзилига айрим қўпол гапларни айтган. Жумладан, у «биринчи Президент маст ҳолда давлат масалаларини ҳал қиларди» деган сўзларни гапирган. Мэр бир йил турма қамоғига маҳкум этилган.

*Кўнглим яйрайди юртим,*
*доноларингни кўрсам,*
*Сенга жону жаҳоним*
*фидоларингни кўрсам.*
*Дилимга нур қуйилиб,*
*ортадир ифтихорим.*
*Элим қўлидан топган*
*ороларингни кўрсам.*



Ҳуқуқшунос маслаҳати

*Ўзбекистон мустақил Республика сифатида бошқа давлат билан тенг ҳуқуқли иқтисодий-маданий алоқалар ўрнатаётганлиги кўпчиликка аён. Мустақилликка бошқалардан эртароқ интилган Болтиқбўйи Республикалари билан алоқаларимиз қандай?*

Б.Норбоев, Тошкент шаҳри.

– Ўзбекистон Республикасини халқаро-ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида тан олаётган давлатлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Бу мустақил Ўзбекистонни умуминсоний мақсадларга эришиш учун жаҳон ҳамжамиятлари сафида дадил фаолият кўрсатиб, ўз ташқи фаолиятини амалга оширишда пойдевор ролини ўтайди, албатта.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон турли хил соҳаларда икки томонлама, кўп томонлама шартнома ҳамда битимлар имзолаш ёки кўпгина обрўли халқаро ташкилотларга қўшилиш асосида хорижий давлатлар билан ўз муносабатларини ўрнатмоқда ва ушбу халқаро нормалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни ўз вақтида бажарилишини таъминламоқда.

Бу ижобий ютуқларга эришиш Республика бошқарув ижроия ҳокимияти органларининг белгиланган ваколатлари доирасида фаолият кўрсатишлари натижасидир. Худди шундай ваколат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 12 ноябрдаги Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги тўғрисида»ги Низомда ҳам ўз ифодасини топган.

Ушбу мажбуриятга биноан, Адлия вазирлиги хорижий давлатлар билан муносабатлар ўрнатишда Ўзбекистон номидан ҳуқуқий масалаларга доир Шартнома ва Битимлар имзолаши кўрсатилган.

Яқинда Болтиқбўйи давлатлари, жумладан Латвия ва Литва экспертлари томонидан тайёрланган ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Шартномалар лойиҳаси таклиф қилинди. Ҳозирда мазкур Шартномалар лойиҳалари ўзаро экспертлар томонидан ўрганилмоқда ва имзоланиши назарда тутилмоқда.

Жавобни Адлия вазирлиги халқаро-ҳуқуқий бошқарма бош маслаҳатчиси
Шуҳрат РАСУЛОВ тайёрлаган

# ИСТИҚЛОЛ - ҚОНУНЧИЛИК ГАРОВИ

Адлия: бугун

Тарихдан маълумки, қайси жамият ўз аъзолари маънавиятини қадрласа, ўзида мавжуд барча моддий ва маънавий имкониятларни оддий фукароларни ардоқлашга сафарбар этса, ўша жамиятда тинч-тотувлик, маънавий ва иқтисодий барқарорлик ҳукм сурган. Аксинча, кишилар маънавиятини унутган жамият ҳар томонлама таназзулга юз тутган.

Мана, эндиликда 130 йилдан ортиқ эрксизлик, тутқинлик давридаги хукмрон мафкуранинг моҳияти бугун ошкора айтилмоқда. Унинг мақсади ҳар қандай миллатни минг йиллик илдизларидан батамом йироқлаштириш, Ватан деган муқаддас тушунчани супуриб ташлаш, миллий ўзлик ва ғурурни миллатсиз, бетайин оломоннинг қорин қайғусига айлантиришдан иборат эди. Бу эса инсон маънавий оламини четлаб ўтишга олиб келди. Одамлар онгида кенг қулоч ёйган кўзбўямачилик, ғирромлик, ўтмишга, келажакка лоқайдлик ҳам маънавий пучлик оқибатидир. Эътиқод тарбия топмай қолди. Бу оғир оқибатларга олиб келди, яъни инсонларда инсоф, диёнат каби фазилатлар камайиб кетди. Одамлар шуурида шафқатсизлик, истеъмолчилик кайфияти авж олди.

Ниҳоят, даҳриёна таълимот устунлари қулади, яъни собиқ СССР парчаланиб кетди. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритди. Мустақилликнинг натижалари давлатимиз ҳаётининг ҳамма жабҳаларида сезилмоқда. Ҳатто жиноятчиликнинг ўсиш тезлигини камайтириш чора-тадбирлари кўрила бошлади. Шу боис жиноятларнинг содир бўлишида, ўсишида камайиш юз берди. Буни қуйидаги рақамлар ҳам тасдиқлайди: қасддан одам ўлдириш жиноятлари 1989 йилдагига нисбатан 1992 йилда 10,2 фоиз ўсган бўлса, 1992 йилдагига нисбатан 1993 йили - 9,69 фоиз камайди. Шу муддат ичида баданга оғир шикаст етказиш - 5,63 фоиз, босқинчилик - 37,62 фоиз, номусга тегиш - 10,55 фоиз камайган. 1992 йилдагига нисбатан 1993 йили жиноятчиликнинг умумий ўсиш миқдори 0,54 фоизга тушган.

Ҳозирги давр қонуни барча кишиларни жамиятдаги ўрни, эгаллаб турган мавқеи, қандай қатламдаги аҳолининг вакили, диний эътиқоди, миллати ва ирқидан қатъи назар қонун олдида барчани тенг, деб ҳисоблайди.

Наманган вилоят адлия бошқарма тизими ходимлари ҳам бу қонунларни ҳаётга тадбиқ этиб бориш билан аҳоли ўртасида жиноятчиликка қарши курашни, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар олдини олишда қонунларни тўғри талқин этилишини таъминлашда бир қатор тарғибот ишларини олиб бормоқдалар. Аҳоли ўртасида учрашувлар ўтказилмоқда. Давлатимиз хавфсизлигини таъмин этишда асосан ёшлар иштирок этар экан уларни Ватанга садоқатли бўлиб тарбияланишига ўзимизнинг ҳиссамизни қўшишимиз зарур.

Наманган вилоят адлия бошқармаси, туман ва шаҳар судлари томонидан биринчи ярим йилликда жиноят ишлари бўйича чиқарган умумий ҳукмидан 16 жиноят ишига 24 кишига нисбатан қўшимча тергов ишини, 19 та жиноят иши тўхтатиб, 105 та жиноят иши иккинчи ярим йилликда кўриш учун қолдиқ бўлиб қолди. Кўрилган жиноят ишларидан 72 таси бўйича сайёр суд мажлисида кўрилиб 112 та жиноятни келиб чиқиш сабаблари бўйича хусусий ажримлар чиқарилиб, жойлардан жавоблар олинди.

Кўрилган жиноят ишлари бўйича судлар томонидан олти ой двомида жиноятни ўсган турига нисбатан 30 марта суд амалиётини умумлаштириб хатога йўл қўйган ташкилот, корхона, хўжалик ва давлат раҳбарлари устидан тақдимномалар чиқарилган. Судлар томонидан олти ой давомида жами 115 марта халқ маслаҳатчилари билан, 65 марта халқ судлари билан амалий машғулотлар ўтказилиб, уларга жойларда ишлаб кетишига қонуний ёрдамлар берилди.

Наманган вилоят адлия бошқармаси, туман, шаҳар судлари томонидан олти ой давомида 155 марта омма ўртасида суҳбат ва маърузалар ўтказилди. 23 марта радио-телевидение ҳамда маҳаллий матбуотда чиқишлар қилинди.

Вилоят, туман ва шаҳар судлари томонидан олти ой давомида жиноят фуқаролик ишлари кўрилиб, 25 та сайёр суд мажлисида ҳал қилинди. Фуқаролик ишлари бўйича йўл қўйилган хато ва камчиликларни кўрсатиб, судлар томонидан 72 та хусусий ажримлар чиқарилиб, фуқаролик ишлари бўйича олти ой иши давомида жами 18 та суд амалиёти умумлаштирилиб йўл қўйилган хато ва камчиликлар бўйича 46 та тақдимномалар киритилиб, жавоблар олинди. Улардан ташқари 1995 йил биринчи ярим йилдан бошлаб 677 та якка тартибда нафақа ундириш ҳақидаги ҳужжатлар кўрилиб, ижобий ҳал қилинди, туман, шаҳар судлари томонидан 5389 та шахсга нисбатан маъмурий материаллар кўрилиб, 1246582 сўм миқдорида жарима жазолари белгиланиб, давлат ҳисобига ундириб олинди.

Судлар томонидан биринчи ярим йил давомида жиноят оқибатида етказилган моддий зарар 19738 сўм ундирилиб давлат хазинасига туширилди.

Наманган вилоят адлия бошқармаси Адлия вазирлиги, вилоят ҳокимияти билан судларнинг, адлия органларининг моддий-техника таъминотини биринчи ярим йилликда ижобий якунлади. Жумладан, Наманган шаҳар ва Янгиқўрғон туман судлари хизмат автомашиналари билан таъминландилар. Вилоятдаги иккита туман судлари учун янги маъмурий бинолар қуришга ерлар ажратилиб ҳамда лойиҳа-сметалари ишлаб чиқилди.

Мустақиллигимизнинг тўрт йиллигига «Ҳуқуқий муҳофаза қилиш қонунчилик гаровидир» шиори остида 17 июлдан 21 июлгача вилоят радио-телевидение ҳамда маҳаллий матбуотларда 20 дан ортиқ корхона, хўжалик ташкилотларида ушбу мавзу бўйича қизиқарли суҳбатлар ўтказилди.

Айниқса, ФҲДЁ бўлимлари томонидан вилоятда аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш яхши ташкил этилиб, бўлим мудирларини касб малакасини ошириш ва тажрибаларини орттириш мақсадида бир қатор ишларни амалга ошираяптилар. Шу йилнинг ўзида 28759 чақалоқларнинг туғилишини, 4869 вафот ҳолатини, 5104 оилаларнинг никоҳлари қайд этилди. Шунингдек, 2255 чақалоқларни оталиги тикланди, 196 далолатнома ёзувларини тиклаш масалаларини, 138 фарзандликка олиш, 60 та фуқароларнинг исми-шарифини ва отасининг исмини ўзгартириш тўғрисидаги далолатнома ёзувлари қайд этилди.

Шу билан бирга аҳолига 1994 йилда 130345 сўмлик, бу йил биринчи ярмига келиб 238488 сўмлик ҳуқуқий хизмат кўрсатилди.

Вилоят адлия бошқармасида бир неча йиллардан буён фаол ишлаб келаётганлардан Жаннатов Файзулла, нотариат бўйича ўринбосар Ҳамидуллаев Неъмат, жамоат бирлашмалари бўйича ўринбосар Абдуллаев Худойберди, кадрлар бўйича бош маслаҳатчимиз Хасанбой Тожибоев, бош статистимиз Ойшахон Охунова, ФҲДЁлар бўйича Нодирахон Умарова, судяларимиздан Яҳёхон Икромов, Қурбонбой Канаев, Эркин Абдувохидов, Абдуқаҳҳор Сатторов, Убайдулла Ҳолбоевлар меҳнатлари салмоқлидир.

Республикамиз эндигина қаддини ростлаётган, жаҳонга юз тутаётган ушбу кунларда унинг ривожига ҳисса қўша олиш шунчаки бурчгина бўлиб қолмай, ҳар бир инсон учун катта бахтдир. Наманганлик осойишталик посбонлари ўз зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда эл тинчлиги ва юрт бойлигини кўз қорачиғидай авайлаш йўлида муҳим ишларни амалга оширадилар.

Ғозихон ЯҲЁХЎЖАЕВ,
Наманган вилоят адлия бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи.

